



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «14» июль

VI-31-40-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Термиз шаҳар ва туманларда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси бошлиғининг ҳисоботи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган 96-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда вилоятда жамоат транспорти фаолиятини ривожлантириш юзасидан оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси бўлим бошлиғи Ў.Очиловнинг ҳисоботини тинглаб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси бўлим бошлиғи Ў.Очиловнинг вилоятда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси, Марказий банк Сурхондарё вилояти бош бошқармаси (У.Зокиров) биргаликда вилоятда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида мавжуд эҳтиёжга кўра 1-иловада кўрсатилган ташаббускор тадбиркорлар томонидан 199 дона “Исузу” русумли автобусларни сотиб олиш учун кредит ажратиш ишларини жорий йил 1 августга қадар яқунласин.

Бунда, тижорат банклари томонидан кредитни қоплаш имкониятларидан келиб чиқиб, қулай фоизларда узоқ муддатли, имтиёзли кредит ажратилиши ҳамда харид қилинадиган автобуслар гаров сифатида қабул қилиниши белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган 96-сонли йиғилиш баёни билан вилоятда ислох қилинадиган йўналишлардаги мавжуд, таъмирталаб ва қўшимча қуриш талаб этиладиган оралик бекатлар, талаб этиладиган охирги тўхташ жойлари (автотураргоҳ), йўналишлардаги таъмирланиши лозим бўлган йўللар (км) тармоқ жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси

билан биргаликда:

10 кун муддатда вилоятдаги мавжуд ҳамда янгидан қурилиши (Термиз, Олтинсой ва Бандихон туманлари) режалаштирилган автошоҳбекатларнинг транспорт сиғимларини инобатга олган ҳолда ер ажратиш, шунингдек, Шеробод, Қумқўрғон ва Музработ туманларидаги мавжуд автошоҳбекатларни замонавий шаклда реконструкция қилиш чораларини кўрсин;

худудларда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича тасдиқланган Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб борсин.

5. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари 10 кун муддатда Сурхондарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов), Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (Ж.Қиличев), Сурхондарё вилояти Транспорт бошқармаси, Марказий банк Сурхондарё вилояти бош бошқармаси (У.Зокиров) билан биргаликда жорий йил 3-чорак якунига қадар вилоятда қурилиш лозим бўлган 341 та оралик бекатларни қуриш учун тадбиркорларни аниқлаш, тадбиркорларга кредит маблағлари ажратиш, белгиланган жойларда қуриши шунингдек, 265 та таъмирлашга муҳтож бекатларни таъмирлаш ишларини якунласин.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари - вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи (Ж.Тўраев), Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (Ж.Қиличев) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Тошкент шаҳри ва худудларда жамоат транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 96-сон йиғилиш баёни қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятнинг сайёҳлик йўналишлари (маршрутлари) 100 та оралик бекатлар қуриш ишларини жорий йил 3-чорак якунига қадар таъминласин.

7. Термиз (Ш.Ўринов), Олтинсой (А.Джумаев), Бандихон (Ў.Чориев) туманлари ҳокимлари жорий йил 1 августга қадар автошоҳбекат қуриш учун ер ажратиш ҳамда ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш чораларини кўрсин.

8. Шеробод (З.Давлатов), Музработ (Э.Алимов) ва Қумқўрғон (Р.Гаппаров) туманлари ҳокимлари туманда мавжуд автошоҳбекатларни жорий йил якунига қадар замонавий шаклда реконструкция қилиш ҳамда эҳтиёжга кўра қўшимча ер майдони ажратиш ишларини якунласин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф.Маманов), Марказий банк Сурхондарё вилояти Бош бошқармаси (У.Зокиров) ва Микрокредитбанк (О.Эсанов) ўн кун муддатда Шеробод тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган автостанцияни реконструкция қилиш учун “Шох Транс Тараққиёт” МЧЖга 700,0 млн. сўм кредит ажратиш тавсия этилсин.

10. Сурхондарё вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А.Хидиров, Термиз шаҳар ҳокими И.Худойбердиев, Сурхондарё вилоят Транспорт бошқармаси билан биргаликда жорий йил 1 августга қадар Термиз шаҳрининг транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бош режасини ишлаб чиқиш юзасидан имзоланган шартномада кўрсатилган маблағларни ўтказиб бериш чорасини кўрсин ҳамда моделлаштириш ишларини йўлга қўйсин.

11. Марказий банк Сурхондарё вилояти Бош бошқармаси (У.Зокиров) 10 кун муддатда транспорт соҳасида юқорида кўрсатилган масалаларга кредит маблағлари ажратилиши юзасидан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритсин.

12. Сурхондарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов) шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг тасдиқланган амалий чоратадбирлар дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижросини доимий мониторинг қилган ҳолда ҳар чорак якуни билан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида муҳокама учун киритиб борсин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Жураева) зиммасига юклансин.

14. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг  
2021 йил 14 июлдаги  
VI-31-40-8-0-К/21-сон қарорига  
1-илова

**Вилоятда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида ташаббускор тадбиркорлар томонидан  
“Исузу” русумли автобусларни сотиб олувчилар**

**РУЙХАТИ**

Т/р	Таадбиркорлик субъект номи	Рўйхатдан ўтган туман шаҳар номи	Хизмат кўрсатувчи банк номи	Автобус русуми		Сотиб олинган автобуслар сони	Ф.И.Ш тел рақами
				НС 40	НР 26		
Вилоят бўйича				106	73	199	
1	“Шаҳар йўловчи транс” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Агро банк”	НС 40		20	Якубов Сирожиддин Бахтиёрович 91 577 47 47
2	“Термиз бинокор авто” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк”	НС 40		12	Ғаффоров Немат Бозорович 99 455 50 20
3	“Янги аср транс сервис” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Капитал банк”	НС 40		8	Жўраева Сайёра Хўжаёрова 93 791 81 13
4	“Хосилбек Ойбек транс” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Капитал банк”	НС 40		10	Расулов Қурбонниёз Рашидович 98 272 33 31
5	“Термиз тахи транс” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Турон банк”	НС 40		10	Азизов Озодмурод Наимович 99 648 97 77
6	“Транс авто плюс ҳамкорлар” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Хамкор банк”	НС 40		4	Бабаев Шерзот Абдувоитович 90 071 79 79
7	“Собир авто транс” МЧЖ	Термиз тумани	АТБ “Асака банк”	НС 40		5	Олимов Рўзикул Раҳматқулович 99 676 10 85
8	“Сарварбек транс” МЧЖ	Термиз шаҳар	АТБ “Асака банк”	НС 40		4	Валихонова Нигора Қодиржонова 99 422 23 23
9	“Юсуф транс Денов” МЧЖ	Денов тумани	АТБ “Капитал банк”		НР 26	2	Ҳакимов Юсуф Раҳматуллаевич 90 569 40 80

Т/р	Гаадбиркорлик субъект номи	Рўйхатдан ўтган туман шаҳар номи	Хизмат кўрсатувчи банк номи	Автобус русуми		Сотиб олинган автобуслар сони	Ф.И.Ш тел рақами
				НС 40	НР 26		
10	“Жавохир замин пахта” Ф/Х	Денов тумани	АТБ “Агро банк”		НР 26	5	Жўраев Нуриддин Эгамназарович 91 580 28 28
11	“Музработ АЮ ва ЙТ” МЧЖ	Музработ тумани	“Микрокредит” Музработ филиали		НР 26	60	Эгамов Фахриддин Нуриллаевич 93 636 60 70
12	“Музработ бош бекати” МЧЖ	Музработ тумани	АТБ “Капитал” Термиз филиали		НР 26	25	Эгамов Мухриддин Фахриддин ўғли 94 516 87 86
13	“Кумкўрғон истиклоли бош бекати” МЧЖ	Кумкўрғон тумани	“Миллий банк” АТБ		НР 26	2	Хуррамов Дониёр Шойдуллаевич 90 174 18 04
14	“Муродов Ёдгор Исаевич” МЧЖ	Денов тумани	АТБ “Савдогар банк”		НР 26	12	Муродов Ёдгор Исаевич 94 201 57 77
15	“Сурхон Ал-Билол” МЧЖ	Термиз тумани	АТБ “Миллий банк”		НР 27	20	Бозоров Акмал Парда ўғли 99 758 60 15

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг  
2021 йил 14 июлдаги  
VI-31-40-8-0-К/21-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган 96-сонли йиғилиш баёни билан вилоятда ислоҳ қилинадиган йўналишлардаги мавжуд, таъмирталаб ва қўшимча қуриш талаб этиладиган оралиқ бекатлар, талаб этиладиган охириги тўхташ жойлари (автотураргоҳ), йўналишлардаги таъмирланиши лозим бўлган йўллар (км)**

### ТАРМОҚ ЖАДВАЛИ

№	Шаҳар ва туманлар номи	Йўналиш-лардаги мавжуд бекатлар сони	Шундан, таъмир-талаб бекатлар сони	Қўшимча қуриш талаб этиладиган бекатлар сони	Талаб этиладиган охириги тўхташ бекатлари (автотураргоҳ) сони	Йўналиш-лардаги таъмирланиши лозим бўлган йўллар (км)
<b>Жами:</b>		<b>402</b>	<b>265</b>	<b>341</b>	<b>142</b>	<b>885,8</b>
1	Термиз шаҳар	68	4	21	10	67,1
2	Ангор тумани	15	7	37	19	39
3	Музработ тумани	29	24	28	10	196,6
4	Шеробод тумани	27	17	12	7	77,2
5	Бойсун тумани	31	17	25	7	34
6	Қизирик тумани	13	10	21	6	33,9
7	Жарқўрғон тумани	22	22	19	12	38
8	Қумқўрғон тумани	34	25	31	15	90
9	Шўрчи тумани	23	22	22	9	16,4
10	Денов тумани	49	38	50	16	109,7
11	Олтинсой тумани	18	13	16	8	51,7
12	Сариосиё тумани	21	20	6	2	15,6
13	Узун тумани	30	29	14	4	64,5
14	Турмиз тумани	11	6	15	8	13,5
15	Бандихон тумани	11	11	24	9	38,6

